

Диний ишларни ортга суриш бефаҳмлиқдир



14:18 / 29.09.2017 4851

Амалларни фориғ бўлгандан кейинга суришинг нафсинг бефаҳмлигидандир.

Албатта, ушбу ҳикматдаги амаллардан мурод диний амаллардир. Бу ерда дунёвий амалларга шўнғиб кетиб, диний мажбурият бўлган ишларни «Бўшаганимда қиламан», дейиш бефаҳмлиқ экани борасида сўз бормоқда.

Бефаҳмлиқ аҳмоқликнинг бир тури бўлиб, унда инсон ўзини ақлли ҳисоблайди, аслида эса аҳмоқ бўлади.

Диний амалларни дунёнинг ташвишидан фориғ бўлишдан кейинга суриш шайх Аҳмад Зарруқ раҳматуллоҳи алайҳнинг наздида уч жиҳатдан аҳмоқлик ҳисобланади:

1. Шариат бўйича ўзига вожиб бўлган амални одатда амри маҳол бўлган нарсага – бу дунёда фориғ бўлишга қолдиришидир. Яъни инсон: «Фориғ бўлганимда қиламан», дейди. Воқелик эса унга: «Фақатгина амал билангина фориғ бўлишинг мумкин», дейди.
2. У ишониб бўлмайдиган нарсага ишонмоқда. Нафси типирчилаб турса, ваъдасига вафо қилмаслигини унутмоқда.
3. У ақллилар наздида олдинга суриладиган жазм ва азму қарорни замоннинг ўзгаришидан қўрқиб, ортга сурмоқда. Бу эса пешонасига битилган нарсага бор кучи ва имкониятини сарфлаб, ундан талаб қилинган нарсани ташлаб қўйишдан иборатдир.

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Зийрак – ўз нафсини тергаган ва ўлимдан кейинни кўзлаб амал қилган одамдир. Ожиз нафсини ҳавосига эргаштирган ва Аллоҳдан турли нарсалар орзу қилган одамдир», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилганлар.

Бу борада одамлар уч турли бўладилар:

1. Қадарнинг ёрдами ила бўш вақтида ҳам, банд вақтида ҳам диний амал қилган киши. Бундайлар муваффақиятга эришган ва ҳавас қилинганлардир.
2. Бўш вақти бўлса, туриб амал қилмаган киши. Бундайлар баттоллар ва алданганлардир.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икки неъмат борки, одамларнинг кўплари уларда зиёндадирлар – (улар) саломатлик ва фароғатдир», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилганлар.

3. Бўш вақт топа олмаганини баҳона қилиб, амални ўшанга ҳавола қилган киши. Булар ғурурга кетганлардандир.

Одатда баъзи кишиларга диний амалларни бажариш эслатилса, ишдан нафақага чиққанда, кўзлаган режасини амалга ошириб бўлиб, бўш вақт топганда мазкур амалларни бажариш режаси борлигини айтадилар. Ушбу ҳикматда бу иш бефаҳмлиқдан иборат экани таъкидланмоқда. Зотан, Аллоҳ таоло бандаларига диний амалларни бажаришни фарз қилганда «Бўш вақтингда қиласан», деган эмас. Диний амалларни бажариш вақти инсон балоғат ёшига етганидан бошланиши маълум ва машҳур. Банда Аллоҳ таолонинг амрига итоат қилмоғи зарур. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бу борада бир қанча оятлар нозил қилган.

У Зот Зориёт сурасида марҳамат қилади:

«Жин ва инсни фақатгина Менга ибодат қилишлари учун яратдим. Улардан ризқ ирода қилмасман ва Мени таомлантиришларини ҳам ирода қилмасман» (56-57-оятлар).

Демак, Аллоҳ таоло инсонлару жинлардан ризқ сўрамайди, балки уларга ризқ беради. Улардан таом сўрамайди, балки уларга таом беради. Аллоҳнинг бирдан-бир ирода қилгани ибодатдир, инсонлару жинларни яратишдан мақсад ҳам шудир. Лекин ибодатдан кимга фойда бор? Ибодат қилувчининг ўзига. Унга икки дунёнинг бахтини ибодат беради.

Аллоҳ таоло Анфол сурасида марҳамат қилади:

«Эй иймон келтирганлар! Сизга ҳаёт берадиган нарсага чақирганларида Аллоҳ ва Расулига ижобат этинг» (24-оят).

«Ҳаёт берадиган нарса» иймон ва Исломдир. Қуръони Карим таъбири бўйича, ҳақиқий ҳаёт иймон ва Исломдир. Инсон буларсиз ўликдир. Киши иймон ва Ислом билангина тўлақонли ҳаёт маъносига эга бўлади. Иймонсиз ва Исломсиз ҳаёт кечиргандан кўра кечирмаган яхшироқ. Шунинг учун ҳар бир одам тезроқ ўзини ўнглаб, ўз вақтида Аллоҳ ва Расулининг чақириғига жавоб бериб, ўзларига ҳаёт берадиган иймон ва Ислом йўлига юришлари лозим.

Аллоҳ таоло Таҳрим сурасида марҳамат қилади:

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳлу аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар» (6-оят).

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларини ўзларини ва аҳли аёлларини охират оташидан сақлашга буюрмоқда. Мазкур дўзах оловидан сақлаш гуноҳларни тарк этиш ва тоат-ибодат қилиш билан бўлади.

Дунёнинг ташвишига кўмилиб қолмасдан, Аллоҳ таоло Ўзини деган бандасини ташлаб қўймаслигини эсдан чиқармаслигимиз зарур.

Аллоҳ таоло Тоҳа сурасида марҳамат қилади:

«Албатта, сен у ерда оч-яланғоч қолмассан. Албатта, сен у ерда ташна ҳам бўлмассан, иссиқда ҳам қолмассан», дедик» (118-119-оятлар).

Шунинг учун ҳам диний амалларни бўш вақтига сурадиган шахслар фаҳмсизликда айбланадилар. Уларнинг фаҳмсизликлари бир неча тарафдан бўлади.

Аввало инсон дунёнинг ташвишидан бўшаб, ҳамма нарсадан фориғ бўлгунча яшайдими, йўқми?! Халқ орасидаги «Ўлим қош билан қовоқнинг ўртасидадир», деган гап бежиз эмас. Шунинг учун ҳам «Диний вазифаларни дунёнинг ишларидан фориғ бўлганимда қиламан», дейиш ўта бефаҳмлик деб баҳоланади.

Қолаверса, дунёнинг ишларини тўғри йўлга қўйишда айнан диний вазифалар катта ва асосий ёрдамни беради-ку! Диний вазифалар инсонни тўғри йўлга бошлайди, дунёнинг ишларини ҳалол-пок, инсоф билан олиб боришда асосий ёрдамчи бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни диний амалларни фориғ бўлишдан кейинга суриб, нафснинг бефаҳмлигига дучор бўлишимиздан Ўзи асрасин!

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Хислатли ҳикматлар шарҳи китобидан)